



Хабарлар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2003 yil, 11 aprel № 16 (553)

Sotuvda narxi erkin

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ҲУҚУВИ

“Бухоро Телеком” филиали меҳнат жамоаси иштирокида ўтказилган “Маънавият ва маърифат ўқуви” доирасидаги йиғилишда жаҳондаги ҳозирги вазият, жумладан, халқаро терроризмга қарши кураш ва Ироқ атрофидаги воқеалар ҳусусида батафсил сўз юритилди. Йиғилиш давомида сўзга чиққан республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказининг Бухоро вилояти бўлими раҳбари, психология фанлари доктори, профессор Ш.Баротов, фалсафа фанлари номзоди, доцент О.Вафоев ва бошқалар шу кеча-кундузда Ироқда рўй бераётган воқеалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, халқаро терроризмга қарши курашиб ке-

лаётган Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати билан айдил эканликларини баён этишлар.

Шунингдек, ўқув қатнашчилари айрим оммавий ахборот воситаларининг Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларни ноҳолисона ёритаётганликларини, жаҳонда маълум маънода ахборотлар жанги кетаётганлигини ҳам таъкидладилар. Маърузаларда Ироқдаги мавжуд вазиятни теран мушоҳада ва идрок этиш, бу масаланинг туб сабаблари ва моҳиятига кўпроқ эътиборни қаратиш лозимлиги айтиб ўтиди.

Ўқув қатнашчилари саволларига атрафлиха жавоб берилди.

А.ИСТАМОВ

ТАЛАБАЛАР МУВАФФАҚИЯТИ Sport

Яқинда Қарши шаҳрида дуатлон бўйича Ўзбекистон Республикаси Кубоги ўтказилди. ТАТУ талабаси, спорт усталигига номзод В.Игнатенко ушбу мусобақада фахрли III ўринни эгаллаб, спорт устаси вазифасини бажарди.

Tohskent Gresi stadionida Yunusobod tumani “Kamolot” ёшлар ижтимоий ҳаракати ёрдамида мини-футбол бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Унда ТАТУ терма жамоаси Тошкент Педиатрия институтини терма жамоасини 3-0 ҳамда Тошкент Молия-кредит институтини терма жамоасини 5-2 ҳисоби билан мағлубиятга учратди. Университет терма жамоаси Тошкент шаҳридаги 18 та олий ўқув юртлири орасида биринчи ўринни эгаллаб, кубок соҳиби бўлди.

Тазкивано бўйича Ўзбекистон Республикаси биринчилиги учун ўтказилган беллашувда Тошкент ахборот технологиялари университетининг Р-47 гуруҳ талабаси В.Ни фахрли II ўринни қўлга киритди.

И. КОШБАХТИЕВ,
“Жисмоний тарбия ва спорт”
кафедраси мудири

АЛЛО, СИЗНИ “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОШ ДИРЕКТОРИ ЭШИТАДИ

Хурматли муштарийлар!

1. Сиз республика телекоммуникация хизмати бўйича қандай таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирмоқчисиз?

2. Сизни жойлардаги телекоммуникация (телефон, телеграф, факс, Интернет) хизматлари қониқтирадими?

3. Телекоммуникация корхоналарининг мижозларга кўрсатаётган хизмат сифати, алоқачиларнинг касб малакаси ва маданиятидан кўнглингиз тўладини?

Хуллас, Сизни қизиқтираётган барча саволларга шу йил, 30-апрел кuni, соат 12⁰⁰дан 12³⁰гача “Ўзбектелеком” АК бош директори **Ҳаким Асрорович МУХИТДИНОВ** 133-42-59, 133-32-92 телефонлари орқали тўғридан-тўғри жавоб беради.

Мақтубларингизни Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 24-уй, “Ўзбектелеком” АК ёки Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй, “Хабар” тахририятига йўллашингиз мумкин.

Олдиндан бермоқчи бўлган саволларингиз куйидаги телефон рақамлари орқали қабул қилинади: 133-42-59, 133-32-92, 144-29-09, 136-36-42 (факс). Электрон почта манзили: habar@uzapt.uzpak.uz

“Бевосита мулоқот”да тилга олинган долзарб савол-жавоблар газетамизда чоп этилади.

БУРЧИМИЗНИ УНУТМАСАК БЎЛГАНИ

Tanqid

Давлат алоқа инспекцияси томонидан 2002 йили ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда ва телекоммуникация хизматларидан техник фойдаланишни тўғри ташкил қилиш, кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифати ҳамда ҳажминини ошириш мақсадида “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси томонидан 2003 йил учун дастур ишлаб чиқилган.

Давлат алоқа инспекцияси жорий йилнинг биринчи чорагида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида “Ўзбектелеком” АКнинг филиал ва таркибий қисмлари томонидан кўрсатилаётган маҳаллий телефон алоқаси хизматлари сифати, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши, жойлардаги қишлоқ телефон станцияларининг станциялараро боғловчи линиялари ҳамда уларга ўрнатилган узатиш тизимларининг техник ҳолати, абонентларнинг туман марказларидаги автоматик телефон станциялар абонентлари билан бевосита боғланиш имкониятлари, алоқа хизмати кўрсатиш жойлари ва сўзлашув масканларида истеъмолчилар учун зарур бўлган маълумотларнинг мавжудлиги каби масалаларни жойларда ўрганганда қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

“Анджон Телеком” филиалининг Анджон шаҳар, Улуғнор, Пахтабод, “Жиззах Телеком” филиалининг Жиззах тумани, “Фаргона Телеком” филиалининг Марғилон шаҳар, Бешарик, “Наманган Телеком” филиалининг Учкўрғон, Мингбулоқ, Норин, “Тошкент Телеком” филиалининг Бекобод, Зафар, “Сурхондарё Телеком” филиалининг Учқизил, “Хоразм Телеком” филиалининг Хонқа, Урганч тумани телекоммуникациялар боғламалари ҳамда “ЎзИ-Жиззах” филиалида алоқа хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлараро сўзлашув масканларида истеъмолчилар учун маълумотларнинг (таркибий бирлик, юқори ташкилотнинг номи, манзили, телефон рақамлари ва раҳбарининг қабул кўнлари тўғрисидаги) йўқлиги, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ҳамда маҳаллий ва шаҳарлараро телефон алоқасидан фойдаланиш қоидаларидан кўчирмалар, оператор ва абонентларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда “Ишонч телефони” хизмати ҳақидаги маълумотлар билан тўлиқ таъминланмаганлиги, лицензия нусхалари мижозларга кўринарли

жойга кўйилмаганлиги, айрим сўзлашув масканлари ва сўзлашув кабиналарининг эстетик ва санитар ҳолати талаб даражасида эмаслиги маълум бўлди. Шунингдек, кўрсатилаётган хизмат турлари учун нархномалар осиб қўйилган бўлса-да, уларда қачон ва қайси буйруққа асосан хизмат кўрсатиш нархларининг ўзгарганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас.

“ТошТТС” филиалига қарашли Халқаро ва шаҳарлараро телефаксимил алоқа хизматини кўрсатаётган масканда мурожаатлар китоби мижозларга қулай жойда эмас ва уларга ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлари учун шароит яратилмаган. Шунингдек, маскан раҳбари ёки жавобгар шахс томонидан фуқароларни қабул қилиш вақти ва кўнлари кўрсатилмаган. “Хоразм Телеком” филиали Хонқа ва Урганч туманлари телекоммуникациялар боғламаларида Шаҳарлараро сўзлашув бўлими МТФ-4,5,6 ёрликлари билан таъминланмаганлиги боис ёрликлар ўрнига оддий қоғозлардан фойдаланиб келинмоқда. “Наманган Телеком” филиали Мингбулоқ телекоммуникациялар боғламасида МТФ-5 ёрликларини тўлдирish вақтида буртмаларнинг қабул қилинган ва ким томонидан қабул қилинганлиги ҳақидаги маълумотларни ёзмаслик ҳоллари қайд қилинди.

“Тошкент Телеком” филиали Бекобод телекоммуникациялар боғламасида бўлганимизда мозийга қайтгандай бўлди. Гап шундаки, ушбу боғламанинг сўзлашув бўлимига кириш эшиги олдида ҳамон истеъмолчилар учун Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги номи остидаги маълумотнома савлат тўкиб турибди.

“Сурхондарё Телеком” филиали Учқизил телекоммуникациялар боғламасининг Учқизил тумани маркази ҳамда Халқобод, Янгиариқ қишлоқларида шаҳарлараро сўзлашув масканлар зали таъмирталаб, мижозларга қулайликлар яратилмаган, стол-стуллар мавжуд эмас, сўзлашув кабиналари эчинарли ҳолатда. Янгиариқ қишлоғида жойлашган сўзлашув масканида эса телефон кабинасининг ўзи йўқ, МТФ шаклдаги ёрликлар билан таъминланмаганлигини айтмасам ҳам бўлади.

Жиззах тумани телекоммуникациялар боғламасида мижозларга ҳеч қандай қулайликлар яратилмаган. Сўзлашув масканлари ва сўзлашув кабиналарининг эстетик ва санитар ҳолати

қониқарсиз аҳволда, таксофонлардан телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш ва фойдаланиш қоидаси талабларига риоя қилинмаган.

Қишлоқ аҳолисини нафақат туман ёки вилоят маркази, балки хорик билан боғлана олишларини таъминлаш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан бири. Бу борада Агентлик раҳбарияти талай муаммоларни ҳал қилаётган бўлса-да, жойларда ҳамон тўлиқ натижага эришилгани йўқ. Масалан, “Самарқанд Телеком” филиалининг 120 та қишлоқ телефон станциясидан 31 тасида туман марказидаги автоматик телефон станциялари билан тўғридан-тўғри боғланиш таъминланмаган. Бу ҳолат “Фаргона Телеком” (114 тадан 25 тасида), “Қашқадарё Телеком” (188 тадан 25 тасида), “Жиззах Телеком” (35 тадан 9 тасида) филиалларида ҳам кузатилди. Шунингдек, қишлоқ телефон станцияларини туман маркази АТСлари билан боғловчи линиялар (каналлар) сони “Қашқадарё Телеком” (61 тасида), “Фаргона Телеком” (41 тасида) “Сурхондарё Телеком” (32 тасида), “Жиззах Телеком” (23 тасида), “Анджон Телеком” (14 тасида) филиалларида ўрнатилган техник меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган.

“Жиззах Телеком” филиалига қарашли боғламаларда эса туман марказий телефон станцияси ва қишлоқ телефон станцияси оралиғида ўрнатилган 11 та В-2-2, 2 та ИКМ-15, битта ТН-12, битта КНК-12 зичловчи узатиш тизимлари, 131 та телефон каналларидан 76 таси ишламайди. “Қоракалпоқ Телеком” филиалига қарашли Махпалқўлда В-2-2 нозос бўлса, Тахтакўпирда ИКМ-15 тизимнинг фақатгина битта канали хизмат кўрсатмоқда, холос. “Фаргона Телеком” филиалининг 23 та станциялараро боғланиш линиялари ҳам нозос аҳволда.

Ўрганишлардан сўнг аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тегишли корхоналарга кўрсатма ва таклифлар берилди.

Умид қиламизки, “Ўзбектелеком” АКнинг жойлардаги филиаллари раҳбар ва мутахассислари ўз имкониятлари, билим ва тажрибаларини ишга солган ҳолда вужудга келган муаммоларнинг ечимини топиб, телекоммуникация тармоқларининг техник ҳолатини меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасига келтиришни таъминлайдилар. Зеро, бу вазифа уларнинг касбий бурчидир.

Ў. ИСРОИЛОВ,
Давлат алоқа инспекцияси
Телекоммуникация бўлими
етакчи муҳандиси

“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНING МУХИМ ДАЛИЛЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТИ

“Ўзбекистон почтаси” ДАК фаолиятининг 2002 йил якунлари бўйича ҳисоботи

АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING ҚАРОРЛАРИ

09-тартиб рақамли хабар

Акциядорлар умумий йиғилишининг қўйилган қарорлари

Йиғилишнинг ўтказилган шакли — кундузги.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ўтказилган санаси — 2003 йил, 17 март.

Ўтказилган жой — Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй. Агентликнинг Хайъатлар зали.

Йиғилиш қоруми — 382336 дона акция ёки жами овоз берувчи акцияларга нисбатан 97,4 фоизни ташкил этди.

Кун тартибидати овозга қўйилган масалалар:

1. Кузатув Кенгаши ҳамда давлат ишончли вакили ҳисоботи ва фаолияти тўғрисида.

Овозга қўйилган қарор:

1.1. Кузатув Кенгаши ҳамда давлат ишончли вакили ҳисоботи ва фаолияти қонқарили деб ҳисоблансин. Овозга қўйиш якуни: розилар — 382336, қаршиллар — 0, бетарафлар — 0.

2. “Ўзбекистон почтаси” ДАКнинг 2002 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолияти натижалари ва 2003 йилги вазифалари тўғрисида.

Овозга қўйилган қарор:

2.1. “Ўзбекистон почтаси” ДАКнинг 2002 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолияти натижалари ва 2003 йилги вазифалари тўғрисидаги қарор тасдиқлансин. Овозга қўйиш якуни: розилар — 382336, қаршиллар — 0, бетарафлар — 0.

3. “Ўзбекистон почтаси” ДАК молиявий-ҳўжалик фаолияти 2002 йил иш якунлари балансини тасдиқлаш, аудиторлик текшируви хулосаси, тафтиш гуруҳи далолатномасини тасдиқлаш.

Овозга қўйилган қарор:

3.1. “Ўзбекистон почтаси” ДАК 2002 йил молиявий-ҳўжалик фаолият ҳисоботи (баланси), 2002 йил якунлари бўйича тафтиш гуруҳи далолатномаси ва тафтиш гуруҳининг янги таркиби тасдиқлансин. Аудиторлик фирмасининг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин. Овозга қўйиш якуни: розилар — 382336, қаршиллар — 0, бетарафлар — 0.

Овозга қўйилган қарор:

4. Соф фойдаланиш тақсимлашнинг тасдиқлаш.

Овозга қўйилган қарор:

4.1. Соф фойда 21050 минг сўм; захира жамғармасига 1052,5 минг сўм, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга 7367,5 минг сўм, дивиденд тўловига 12630,0 минг сўм миқдорда тақсимлашни тасдиқлансин. Овозга қўйиш якуни: розилар — 382336, қаршиллар — 0, бетарафлар — 0.

Овозга қўйилган қарор:

5. Дивиденд тўлови тўғрисида.

Овозга қўйилган қарор:

5.1. Дивидендлар тўлови қуйидаги миқдорда тасдиқлансин: ҳар бир имтиёзли акцияга — 700 сўм, ҳар бир оддий акцияга — 25 сўм 42 тиён. Овозга қўйиш якуни: розилар — 382336, қаршиллар — 0, бетарафлар — 0.

Овозга қўйилган қарор:

6. 2003 йил учун аудиторни тасдиқлаш.

Овозга қўйилган қарор:

6.1. 2003 йил учун бир неча аудиторлик фирмаларининг иш юритиш фаолияти ўрганилиб, навбатдаги Кузатув Кенгаши мажлисида аудиторни тасдиқлаш учун кун тартибига киритилсин. Овозга қўйиш якуни: розилар — 382336, қаршиллар — 0, бетарафлар — 0.

7. “Ўзбекистон почтаси” ДАКнинг 2003 йилги бизнес-режаси асосий кўрсаткичлари — соф фойда ошиш, самаралорлигини ошириш, дивидендлар тўлаш, хизматлар ҳажми ва сифатини оширишни қўзғатган ҳолда тасдиқлаш.

Овозга қўйилган қарор:

7.1. “Ўзбекистон почтаси” ДАКнинг 2003 йил учун тақдим этилган бизнес-режаси соф фойда, самаралорлик кўрсаткичлари даражасини ҳисобга олган ҳолда дивидендлар тўлаш, хизматлар ҳажми ва сифатини оширишни қўзғатган ҳолда тасдиқлансин. Овозга қўйиш якуни: розилар — 382336, қаршиллар — 0, бетарафлар — 0.

Овозга қўйилган қарор:

8. “Ўзбекистон почтаси” ДАК Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.

Овозга қўйилган қарор:

8.1. “Ўзбекистон почтаси” ДАК Кузатув Кенгаши аъзолари Президент Фармонида мувофиқ равишда қайта сайлансин. Овозга қўйиш якуни: розилар — 382336, қаршиллар — 0, бетарафлар — 0.

9. “Ўзбекистон почтаси” ДАК бош директорини 1 йил муддатга ишга ёллаш бўйича шартнома тузиш (қайта тузиш).

Овозга қўйилган қарор:

9.1. “Ўзбекистон почтаси” ДАК бош директорини 1 йил муддатга ишга ёллаш бўйича шартнома тузиш (қайта тузиш) тўғрисидаги қарор тасдиқлансин. Овозга қўйиш якуни: розилар — 382336, қаршиллар — 0, бетарафлар — 0.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил, 24 январдаги ПФ-3202-сонли Фармони ҳамда 2003 йил, 13 февралдаги Р-1708-сонли Фармойишига асосан “Ўзбекистон почтаси” ДАК тизимидаги активдорлик жамиятлари ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш, Низом жамғармалари ҳажмини Президент Фармонида кўрсатилган миқдорга келтириш ва қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор тасдиқлансин. Овозга қўйиш якуни: розилар — 382336, қаршиллар — 0, бетарафлар — 0.

Овозга қўйилган қарор:

10.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил, 24 январдаги ПФ-3202-сонли Фармони ҳамда 2003 йил, 13 февралдаги Р-1708-сонли Фармойишига асосан “Ўзбекистон почтаси” ДАК тизимидаги активдорлик жамиятлари ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш, Низом жамғармалари ҳажмини Президент Фармонида кўрсатилган миқдорга келтириш ва қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор тасдиқлансин. Овозга қўйиш якуни: розилар — 382336, қаршиллар — 0, бетарафлар — 0.

11. “Ўзбекистон почтаси” ДАК Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Овозга қўйилган қарор:

11.1. “Ўзбекистон почтаси” ДАК Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор тасдиқлансин. Овозга қўйиш якуни: розилар — 382336, қаршиллар — 0, бетарафлар — 0.

“Ўзбекистон почтаси” ДАК Низомидagi ўзгартириш ва қўшимчалар

(Компания акциядорлари умумий йиғилишининг 2003 йил, 17 мартдаги 1-сонли баёнида тасдиқланган.)

Эски таҳрир	Янги таҳрир
11-модда Компания ижроия органи 11.1.-банди Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик Ижроия органи (Дирекция) томонидан амалга оширилади. Дирекция бош директор ва унинг 3 нафар муовинларидан иборат бўлиб, улар акциядорларнинг умумий йиғинида (муовинлар бош директор тавсисига биноан) 5 йил муддатга сайланадилар.	11-модда Компания ижроия органи 11.1.-банди Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик Ижроия органи (Дирекция) томонидан амалга оширилади. Дирекция бош директор ва унинг 4 нафар муовинларидан иборат бўлиб, улар акциядорларнинг умумий йиғинида (муовинлар бош директор тавсисига биноан) 1 йил муддатга сайланадилар.

12. “Ўзбекистон почтаси” ДАК Низом жамғармасидаги давлат улуши тўғрисида.

Овозга қўйилган қарор:

12.1. Акция паёсларини қуйидаги тартибда жойлаштирилиши инobatта олинсин: давлат улуши — 51 фоиз, жамоа улуши — 10 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда, эркин савдо улуши — 39 фоиздан кам бўлмаган миқдорда. Овозга қўйиш якуни: розилар — 382336, қаршиллар — 0, бетарафлар — 0.

13. Почта алоқаси соҳасига инвесторларни жалб қилиш тўғрисида.

Овозга қўйилган қарор:

13.1. Почта алоқаси соҳасига инвесторларни жалб қилиш тўғрисидаги қарор тасдиқлансин. Овозга қўйиш якуни: розилар — 382336, қаршиллар — 0, бетарафлар — 0.

“Ўзбекистон почтаси” ДАКнинг 2003 йил, 1 январ ҳолати бўйича бухгалтерия баланси

Кўрсаткичлар номи	Актив	Пассив
Асосий воситалар	159956,0	-
Номоддий активлар	1101,0	-
Капитал қўйилмалар	169381,0	-
Ишлаб чиқариш захиралари	18650,0	-
Келгуси давр сарфлари	144042,0	-
Пул маблағлари	877373,0	-
Дебиторлар	610916,0	-
Шўъба ҳўжалик жамиятларидаги акциялар	416441	-
Қарам ҳўжалик жамиятларига берилган қарзлар	322	-
Узоқ муддатли инвестициялар	6402	-
Олиб сотиладиган товарлар	32868	-
Устав капитали	-	392673,0
Резерв капитали	-	20529,0
Қўйилган капитал	-	114227,0
Мақсадли тушувлар	-	60000,0
Келгуси давр даромадлари	-	222412,0
Тақсимланмаган фойда	-	21050,0
Харидор ва буюртмачилардан олинган буюклар	-	1094863
Узоқ муддатли кредитлар	-	295185,0
Кредиторлар	-	216513,0
Баланс	2437452	2437452

«Ўзбекистон почтаси» ДАКнинг 2002 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

Кўрсаткичлар номи	Даромадлар	Харажатлар
Махсулотни сотишдан тушган тушуш	803493,0	-
Қўйилган қиймат солиғи	-	74672,0
Махсулотларни сотишдан олинган соф тушуш	728821,0	-
Ишлаб чиқариш таннархи	-	525109,0
Маъмурий харажатлар	-	201151,0
Операцион даромадлар ва харажатлар	6796,0	111611,0
Умумҳўжалик фаолиятнинг фойдаси	-	102254,0
Бошқа даромадлар ва харажатлар	471564,0	321240,0
Солиқ тўлангунга қадар фойда	48070,0	-
Фойдалан солиқ	-	25190,0
Бошқа солиқлар ва тўловлар	-	1830,0
Соф фойда	21050,0	-

ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР БЎЙИЧА ДАРОМАДДАН ТЎЛВО ВА АЖРАТМА
05-тартиб рақамли хабар

Акциядорлар умумий йиғилишининг 2003 йил, 17 мартдаги 1-сонли баёнида дивидендга ажратма ҳақида қарор қабул қилинган.

Меҳнат жамоаси улуши бўлган 3927 дона имтиёзли акцияга — 2748,9 минг сўм. (Ҳар бир имтиёзли акцияга 700 сўм, акциянинг номинал нархидан 70 фоиз).

388746 дона оддий акцияларга — 9881,1 минг сўм. (Ҳар бир оддий акцияга 25 сўм 42 тиён, акциянинг номинал нархидан 2,5 фоиз).

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ДАК АФФИЛЯР ШАХСЛАР РЎЙХАТИ

№	Аффиляр шахс	Тегишли акциялар тури	Тегишли активлар сони (дона)
1.	Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитаси	Номи ёзилган оддий	294505
Кузатув Кенгаши аъзолари			
2.	М.Маҳмудов — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари	Компания акциясига эга эмас	
3.	Х.Мирзоқиллов — Вазирлар Маҳкамасининг алоқа ва ахборот коммуникация технологиялари масалалари бўйича Маъмуаси котибияти мудир	Компания акциясига эга эмас	
4.	Б.Сапаев — Давлат Мулк қўмитаси бош мутахассиси	Компания акциясига эга эмас	
5.	Р.Асқаров — Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси директори	Компания акциясига эга эмас	
6.	Т.Бажанова — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Почта алоқаси бўлими бошлиғи	Номи ёзилган имтиёзли	222
7.	А.Маннапова — Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи ўринбосари	Компания акциясига эга эмас	
8.	З.Ғиёсов — Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори ўринбосари	Компания акциясига эга эмас	
9.	Л.Ционенко — акциядор	Номи ёзилган имтиёзли	69
Ижроия органи аъзолари			
10.	Р.Зиқиров — Бош директор	Компания акциясига эга эмас	
11.	Р.Тургунов — Бош директор ўринбосари	Компания акциясига эга эмас	
12.	Ю.Мухчи — Бош директор ўринбосари	Компания акциясига эга эмас	

Ахборот-коммуникация технологияларининг мамлакат иқтисодийоти ривож, аҳоли турмуш тарзининг ўсиши ва ахборот алмашинуви миқдорининг ортишидаги аҳамияти эътиборга олинган ҳолда **Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши йўналишлари белгилаб берилган эди.**

Ҳукуратимиз томонидан электрон рақамли имзолардан фойдаланиш, электрон ҳужжатларни қўллаш, электрон коммерцияни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида "Электрон рақамли имзолар тўғрисида", "Электрон ҳужжат алмашинуви тўғрисида", "Электрон коммерция тўғрисида" каби янги қонун лойиҳалари тайёрланди ва "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонун янги тахрирдан чиқди. Шунингдек, 2010 йилга қадар Маълумотлар узатиш ва телекоммуникациялар миллий тармоғини ривожлантириш, ҳукумат бошқарувида электрон технологияларни жорий қилиш, электрон коммерцияни ривожлантириш Дастури тайёрланди.

Қўрсатиб ўтилган ишларни амалга оширишда яқинда ташкил қилинган Компютер ва ахборот технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш "UzInfoCom" маркази ҳам фаол иштирок этмоқда. Биз Марказ директорининг биринчи ўринбосари Асаджон Озодбекович ХУЖАЕВ билан Марказда амалга оширилаётган ишлар ҳусусида суҳбатлашдик.

— Асаджон Озодбекович, Марказ фаолияти, вазифалари ва унинг йўналишлари ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Компютер ва ахборот технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш "UzInfoCom" маркази Вазирлар Маҳкамасининг 2002

сангиз. Марказ корхоналар учун бу борада қандай ёрдам бера олади?

— Модомки "UzInfoCom" маркази ҳукуратимиз ташаббуси билан ташкил қилинган экан, у би-

"UZINFOCOM"

СИЗ УЧУН

ЭНГ ЗАМОНАВИЙ

ХИЗМАТ

— "gov.uz" домен зонасида номлар реестрини рўйхатга олиш бўйича ягона тизим яратиш. Тўртинчидан, дав-

лат ва жойлардаги бошқарув органларининг веб-сайтлари ресурсларини барпо қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш.

Ҳукумат портали тизимий — мўлжалланган ресурс хисобланади. Ўз навбатида бундай ресурс пайдо бўлиши мамлакатимизнинг Интернет технологияларини ўзлаштириш йўлидаги илк қадамларидан бири бўлди. Портал ўз ичига ҳукумат бошқаруви оид ахборотлар, асосий меъёрий-ҳуқуқий актлар матнлари базаси, шунингдек, давлат бошқаруви субъектларига тегишли ахборот ресурсларини жамлаган.

Қўрсатиб ўтилган ишларнинг бажарилишини тезлаштириш, ҳудудий ахборот ресурсларини порталга жойлаштириш мақсадида Марказ томонидан давлат бошқаруви органлари (ҳокимликлар, вазирликлар ва бошқалар) учун веб-сайтлар тайёрланмоқда. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг географик жойлашуви, табиат ресурси, илм-фан ва таълим тизими, иқтисодий ва статистик кўрсаткичлари, мамлакатнинг инвестиция имкониятлари ҳақидаги қисқа маълумотнома ҳам тайёрланади.

— Суҳбат сўнггида зарурий ахборотларни олиш учун қарерга мурожаат этиш лозимлигини айтиб ўтсангиз?

— Марказимиз Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй, 430-хонада (Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги биносининг 4-қавати) жойлашган. Мурожаат учун телефонлар: 137-45-49, 144-51-26.

Интернет манзил: www.uzinfo.com.uz, электрон почта манзили uzinfo.com@uzpak.uz

И.АХМЕДОВ суҳбатлашди



POWER PC УЧУН ДАСТУР ТАЪМИНОТИ

Be Operating System (Be OS) компанияси Macworld Expo кўргазмасида IBM томонидан тақдим қилинган янги юқори тезликдаги Power PC микропроцессорларини ва Power Computing тақдим этган Power PC учун мўлжалланган якка

ҳамда кўппроцессорли тизимини намойиш этди. Компания шунингдек Day Star, Apple Computer ва Super Mac томонидан қўлланган Be OS тизимида кўппроцессорли Day Star маҳсулотларини ҳам ёқлашни билдирган.



Toshiba компанияси Tecra авлодида тегишли Tecra 730 XCDT ва Tecra 740 CDT портатив компютерлар моделини ишлаб чиқарди. Tecra 740 CDT модели Intel корпорациясининг MMX технологияли Pentium

ЯНГИ ПОРТАТИВ КОМПЮТЕРЛАР

процессоридан фойдаланилган биринчи портатив компютер бўлди.

Tecra 730 XCDT компютерлари махсус тайёрланган бўлиб, 16 МБ тезкор хотира, 2.1 Гб катталидаги каттик диск ва PCI тизимини ўз ичига олган. Шунингдек, 12.1 — дюймлик экран, овозли стерео тизим ҳамда 10-тезликдаги CD-ROM дискводи мавжуд.

Tecra 730 XCDT да ҳам Intel Pentium процессоридан фойдаланилган.

ЎҒРИГА МУНОСИБ ЖАЗО

Германиянинг Ганновер шаҳри суди ноутбук ўғрисиغا нисбатан антиқа ҳукм чиқарди. Ўғри жазони жабранувчининг уйида ўтайдиган бўлди.

Ун тўққиз ёшли йигит нархи 2500 евро турадиган компютер-

ни ўғирлашда айбланиб, қўлга олинганди. Компютер эгаси агар ўғри унинг уйида ҳовуз қазиб берса, уни кечиришни айтиди. Суд бу тақлифга рози бўлди. Энди айбдор уч ой давомида ҳовуз қовлайди.

Internetdan olindi

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ

қуйидаги лавозимларга олий маълумотли, ишлаб чиқаришда иш стажига эга бўлган, алоқа соҳасидаги меъёрий ҳужжатларни мукамал биладиган мутахассисларни ишга қабул қилиш бўйича танлов эълон қилади:

Давлат алоқа инспекцияси бошлиғининг телекоммуникациялар бўйича ўринбосари лавозимига — алоқа соҳасидаги иш стажига 10 йилдан кам бўлмаган номзодлар;

Маълумотлар узатиш ва телерадиодастуриларни тарқатиш бўлими муҳандиси лавозимига — ахборотлаштириш соҳасидаги иш стажига 3 йилдан кам бўлмаган номзодлар;

Қурилиш бўлими муҳандиси лавозимига — алоқа соҳасидаги қурилиш бўйича иш стажига 3 йилдан кам бўлмаган номзодлар;

Телекоммуникация бўлими муҳандиси лавозимига — телекоммуникациялар соҳасидаги иш стажига 3 йилдан кам бўлмаган номзодлар;

Давлат алоқа инспекциясининг вилоят бўлинмаларидаги инспекторлик лавозимларига — алоқа соҳасидаги иш стажига 3 йилдан кам бўлмаган номзодлар;

Наманган вилоятида — телекоммуникациялар бўйича инспектор лавозими;

Сирдарё вилоятида — почта алоқаси бўйича инспектор лавозими;

Самарқанд вилоятида — телекоммуникациялар бўйича инспектор лавозими;

Қашқадарё вилоятида — телекоммуникациялар бўйича инспектор лавозими;

Қорақалпоғистон Республикасида — маълумотлар узатиш ва радиоалоқа бўйича инспектор лавозими;

Тошкент вилоятида — радиоалоқа ва маълумотлар узатиш бўйича инспектор лавозими.

Танловда иштирок этишни хоҳлаган мутахассислар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

Таржимаи ҳол, сўровнома, битта сурат, олий маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

Ҳужжатлар эълон чоп этилгандан сўнг бир ой давомида қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй. e-mail: gis@dai.uzpak.uz

Марказнинг асосий вазифалари АКТ дастурини ривожлантириш учун тақлифлар тайёрлаш, замонавий технологияларни амалиётда қўллашда иштирок этиш ҳамда жамоатчиликка АКТ соҳасида республика миқёсда олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳолис маълумот етказиб беришдан иборат.

Марказнинг бошқарув органи Нозирлар Кенгаши бўлиб, унинг таркибига Ўзбекистон телекоммуникация бозорида таниқли бўлган "NAYTOV", "Sarkor Telekom", "Ўзбектелеком" АК, "Амалий алоқалар маркази" каби компания ва провайдерлар, шунингдек "NEC", "ALCATEL", "SIEMENS", "USAID" ва бошқа шу каби машҳур хорижий ташкилот ҳамда ваколатхоналар кирлади. Бундан ташқари, Марказ БМТнинг тараққиёт дастури — "Digital Development Initiative" — "Рақамли тараққиёт ташаббуси" лойиҳаси бўйича ҳамкорлик қилмоқда.

— Марказ томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақида маълумот бериб ўтсангиз?

— Айни вақтда "UzInfoCom" маркази локал тармоқларни модернизациялаш ва ривожлантириш (лойиҳалаштириш, ўрнатиш, дастурий таъминотини яратиш, шунингдек ускуналарни танлаш бўйича консалтинг хизматини кўрсатиш, электрон ҳужжат алмашинувини жорий қилиш) соҳасида хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, Марказ маслаҳатлар бериш, корпоратив веб-сайтларни қўллаб-қувватлаш ва тайёрлаш (дизайн яратиш, сайт, хостинг, реклама) каби хизматларни ҳам бажаради.

— Сиз веб-сайтларни яратиш ва жойлаштириш ҳақида сўз юритдингиз. Ушбу йўналиш ҳусусида кенгрок тўхтал-

технологияларини жамият ҳаётининг барча баҳаларига кириб боришини таъминлаш билан шуғулланади. Миқозларда биронта савол туғилса, бизга мурожаат қилишлари мумкин ва биз муаммони ҳал қилишда бор кучимизни аямаймиз. Афсуски, мамлакатимизда кўпгина миқозлар, айниқса давлат ташкилотлари ҳақида локал тармоқ ва Интернетта киришини ташкил қилиш муаммоларини тўғри ва тўлиқ ҳал қила олганлари йўқ. Корхоналарнинг ўз веб-сайтларини яратиш ва фойдаланишни йўлга қўйиш масаласини айтмасам ҳам бўлади.

Мавжуд қўйинчиликлар ва ташкилотлардаги муаммоларни ҳисобга олган ҳолда Марказ томонидан кўрсатилган хизматлар анча арзон қилиб белгиланган.

— Бизга маълумки, Марказ олдига ўта муҳим бўлган "gov.uz" Ҳукумат порталини яратиш ва қўллаб-қувватлаш каби катта вазифалар турибди. Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг сўнгги йиғилишида мазкур порталнинг тақдими ўтказилганди. Бу ҳақда



